



## AUTOMATION OF THE ENFORCEMENT OF JUDICIAL ACTS AND ACTS OF OTHER BODIES AS A METHOD FOR OPTIMIZING THE WORKLOAD OF STATE EXECUTORS

***Khokimjon Ikromov***

*Master's student*

*Academy of Law Enforcement of the Republic of Uzbekistan*

*Tashkent, Uzbekistan*

*E-mail: [ikromovmib@gmail.com](mailto:ikromovmib@gmail.com)*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** Bureau of Compulsory Enforcement, state executor, automation of enforcement of documents, digital technologies.

**Received:** 14.02.25

**Accepted:** 16.02.25

**Published:** 18.02.25

**Abstract:** This article examines the optimization of the workload of state executors through the automation of certain enforcement actions. Special attention is paid to the use of digital technologies, electronic platforms, and information systems in the process of enforcing documents, which helps minimize the human factor and enhance efficiency. Based on the analysis, proposals have been put forward regarding certain enforcement actions that can be carried out without the involvement of state executors.

## **СУД ВА БОШҚА ОРГАНЛЯР ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИНИ АВТОМАТЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ ДАВЛАТ ИЖРОЧИЛАРИ ИШ ҲАЖМИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

***Хокимжон Икромов***

*Магистратура талабаси*

*Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиши академияси*

*Тошкент, Ўзбекистон*

*E-mail: [ikromovmib@gmail.com](mailto:ikromovmib@gmail.com)*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** Мажбурий ижро бюроси, давлат ижрочиси, ижро ҳужжатлари ижросини автоматлаштириш, рақамли технологиялар.

**Аннотация:** Мазкур мақолада давлат ижрочиларининг амалдаги иш ҳажми, айрим ижро ҳаракатларини автоматлаштириш орқали давлат ижрочиларининг иш ҳажмини оптималлаштириш, ҳужжатлар ижросини таъминлаш жараёнида рақамли технологиялар, электрон платформалар ва

ахборот тизимларидан кенг фойдаланиш орқали инсон омилини минималлаштириб, самарадорликни янада ошириш масалалари хақида фикр юритилган. Таҳлиллардан келиб чиқсан ҳолда давлат ижрошиблари аралашувисиз амалга ошириш мумкин бўлган айрим ижро ҳаракатлари хусусидаги таклифлар илгари сурилган.

## **АВТОМАТИЗАЦИЯ ИСПОЛНЕНИЯ СУДЕБНЫХ АКТОВ И АКТОВ ИНЫХ ОРГАНОВ КАК СПОСОБ ОПТИМИЗАЦИИ НАГРУЗКИ ГОСУДАРСТВЕННЫХ ИСПОЛНИТЕЛЕЙ**

**Хокимжон Икромов**

*Магистрант*

*Правоохранительной академии Республики Узбекистан*

*Ташкент, Узбекистан*

*E-mail: [jkromovtib@gmail.com](mailto:jkromovtib@gmail.com)*

### **О СТАТЬЕ**

<b>Ключевые слова:</b> Бюро исполнения, исполнитель, исполнения документов, цифровые технологии.	<b>Аннотация:</b> В данной статье рассматриваются вопросы оптимизации рабочей нагрузки государственных исполнителей за счет автоматизации некоторых исполнительных действий. Особое внимание уделено использованию цифровых технологий, электронных платформ и информационных систем в процессе исполнения документов, что позволяет минимизировать влияние человеческого фактора и повысить эффективность работы. На основе анализа были выдвинуты предложения относительно некоторых исполнительных действий, которые могут быть осуществлены без участия государственных исполнителей.
---	---

### **INTRODUCTION/ ВВЕДЕНИЕ/ КИРИШ**

Суд ва бошқа органлар ҳужжатлари ижросини таъминлашда айрим ижро ҳаракатларини автоматлаштириш орқали давлат ижрошибларининг иш ҳажми меъёrlарини оптималлаштириш бугунги кунда соҳа олдида турган долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Хусусан, сўнгги йилларда Мажбурий ижро бюроси органларига ижро ишларининг келиб тушиш динамикаси ошиб бораётгани сабабли давлат ижрошибларининг иш юкламаси юкорилигича қолмоқда. Бу эса, соҳага ахборот технологияларини янада кенг жорий этиш орқали ходимларнинг иш ҳажмини қисқартириш лозимлигини кўрсатмоқда.

Ушбу масала ижро хужжатлари ижросини таъминлашда юқори даражадаги самарадорликни таъминлаш билан бирга, соҳада шаффоффлик кўлами ошишига, жараёнда инсон омили камайишига ҳамда ижро билан боғлиқ харажатлар сезиларли даражада камайишига хизмат қиласди.

## METHODS/ МЕТОДЫ / ТАДҚИҚОТНИНГ УСУЛЛАРИ

Хуқукий давлатни барпо этиш ва жамиятда қонун устуворлигини таъминлашда суд ва бошқа ваколатли органлар хужжатларини ўз вақтида ва тўлиқ ижро этиш катта аҳамият қасб этади.

Қарорлар ижроси фуқароларнинг бузилган хуқуқ ва манфаатларини тиклаш,adolatни юзага келтириш ҳамда қонунни ҳимоя қилишнинг асосий кафолатларидан бири ҳисобланади.

Суд қарорларининг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилмаслиги – жамиятда давлат органларига бўлган ишончни сусайишига, иқтисодий барқарорликни пасайишига, мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилаш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар самарадорлигига путур етишига ва пировардида жамиятда қонунларга риоя қилиш даражаси пасайишига олиб келиши мумкин.

Шу боис, ушбу йўналишда юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш ва ижро жараёнини янада такомиллаштириш бугунги кунда долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Суд ижрочиларининг халқаро ташкилоти (UIJ) собиқ Президенти Жак Исаар UIJнинг 2006 йил Парижда бўлиб ўтган 20-юбилей конгрессида таъкидлаганидек – “Қонунсиз давлат бўлмайди, судьясиз қонун бўлмайди, суднинг қарори эса суд ижрочисисиз ижро этилмайди”.[1]

UIJнинг 2023 йилда БААнинг Дубай шаҳрида ўтказилган 24-халқаро конгрессида ҳам замонавий ахборот технологиялари даврида ижро ҳаракатларини рақамлаштириш долзарб масала эканлиги қайд этилган.[2]

World Justice Project халқаро нодавлат ташкилоти томонидан юритиладиган дунё мамлакатларининг 2024 йилдаги Хуқуқ устуворлиги индексининг 7.6-омили – фуқаролик суд қарорларини амалда ижро этилиши самарадорлиги ва ўз вақтида бажарилиши бўйича 142 та давлат ичида 84-ўринни эгаллаб турибди.[3]

Бу эса, суд қарорларини ижро этиш механизmlарига ахборот технологияларини кенг жорий этиш орқали давлат ижрочиларининг иш ҳажми меъёрларини тартибга солиб, жаҳон ҳамжамиятида суд хужжатларини ижро этиш соҳасида шаклланган илғор тажриба ва чуқур таҳлил ҳамда тадқиқотлар асосида такомиллаштиришга эҳтиёж туғдирмоқда.

Қайд этиш лозимки, ижро иши юритувига ахборот технологияларини жорий қилишнинг афзалликлари ва дуч келиниши мумкин бўлган айрим салбий ҳолатлари бир

қанча чет эллик ва маҳаллий олимлар томонидан ҳам ўрганилиб, тадқиқот олиб борилган бўлиб, ушбу мавзунинг айрим жиҳатларига К.Брановицкий, Л.Лисовенкова, С.Паламарчук, Jiejing Yao, Ф.Рахимов, А.Ҳамидов ва Г.Бурхановалар ўз диссертация ишлари орқали тўхталиб ўтишган.

Жумладан, суд хужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида айрим ижро харакатларини Мажбурий ижро бюросининг “МИБ-Портал” ахборот тизими орқали автоматлаштириш масаласига диссертант А.Ҳамидов атрофлича тўхталиб ўтиб, “ижро иши юритувидаги айрим процессуал ҳаракатлар инсон омилига боғлиқ бўлиб қолаётгани ушбу хуқуқий муносабат субектларининг хуқуқлари ва қонуний манфаатларига птур етказади, қолаверса коррупцияга мойил вазиятни вужудга келтиради”, деб таъкидлаган.[4]

Шу нуқтаи назардан, диссертант, “қарздорни четга чиқиш хуқуқини вактинча чеклашни бекор қилиш, ижро иши юритишни қўзгатиш ёки қайтариб юбориш, қарздорнинг мулкига қўйилган таъқиқларни ечиш, иш юритувни тамомлаш ёки тугатиш каби айрим процессуал ҳаракатларни автоматлаштиришни”[5] таклиф қилган бўлиб, ҳозирда ушбу таклифлар амалиётга жорий этилган.

Қайд этиш жоизки, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида ҳам судлар ва бошқа ваколатли органлардан келиб тушаётган ҳужжатлар бўйича ижро самарадорлигини ошириш, ресурсларни тежаш ва ундирув вактини кисқартириш мақсадида суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнини автоматлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.01.2024 йилдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини ислоҳ этиш ва соҳани рақамлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-1-сонли фармони қабул қилиниши ҳам катта аҳамият касб этди.

Ушбу фармоннинг 1-иловасига асосан қабул қилинган “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини янада ривожлантириш бўйича” Чора-тадбирлар дастурининг 8-бандида Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар маблағлари ҳисобидан ижро ишини юритиш тизимини рақамлаштириш ва қарор қабул қилишда инсон омилини камайтириш механизмларини жорий этиш белгиланган.

Ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш учун қуйидаги мақсадларни амалга ошириш кўзда тутилган:

– замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда мажбурий ижро тизими тезкорлиги ва самарадорлигини таъминлаш;

- ижро ишлари бўйича иш юритувни электрон шаклда юритишни жорий қилиш;
- ижро ишлари бўйича мажбурий ижро ҳаракатлари давомида қўлланиладиган процессуал хужжатларнинг ягона электрон шаклини ишлаб чиқиш;
- давлат ижрочиларини планшет воситалари билан таъминлаш;
- ижро ҳаракатларини амалга ошириш вақтида ижро хужжатлари юзасидан қарздорликларни ундириш масалалари бўйича ягона идораларо электрон ҳамкорлик тизими орқали давлат органлари ва ташкилотларнинг барча ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини интеграция қилиш;
- ижро хужжатлари ҳамда ундирилган маблағларнинг ҳисобини юритишни автоматлаштириш.

## **RESULTS/ РЕЗУЛЬТАТЫ/ НАТИЖАЛАР**

Юқоридагиларга асосан таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистонда ҳам суд ва бошқа органлар қарорлари ижросини рақамлаштириш борасида бир қатор аниқ чора-тадбирлар амалга оширилган. Бироқ, бу борадаги ишларни янада ривожлантириш жуда муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда Мажбурий ижро бюроси органларига келиб тушаётган ижро хужжатларининг кун сайин ортиб бориши – давлат ижрочиларининг иш юкламаси ошиб боришига олиб келмоқда.

Хусусан, бугунги кунда бир нафар давлат ижрочиси томонидан бир ойда ўртacha 250 тага яқин ижро иши тамомланаётган бўлиб, бу Адлия вазирлигига 10.03.2011 йилда 2207-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг қўшма қарори билан тасдиқланган “Суд ижрочиларининг иш ҳажми меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Кўшма қарорида [6] белгиланган бир ойлик меъёрдан (18,9) қарийб 13 баробар кўп иш бажарилаётганини кўрсатади.

Шу нуқтаи назардан, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида айрим ижро ҳаракатларини Мажбурий ижро бюросининг “МИБ-Портал” ахборот тизими орқали автоматлаштириш орқали давлат ижрочиларининг иш юкламасини оптималлаштириш ишларини изчил давом эттириш лозим.

Бу борадаги чора-тадбирларнинг мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.01.2024 йилдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини ислоҳ этиш ва соҳани рақамлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-1-сонли фармони асосида 2024 йил 1 декабрдан бошлаб Мажбурий ижро бюросида “Мажбуриятлар реестри” институти жорий этилган ва давлат ижрочиларини планшет воситалари билан таъминлаш белгиланган.[7]

Киритилган ушбу ўзгартиришга кўра, қарздор мол-мулки йўқлиги сабабли ундирувни амалга ошириш имконияти бўлмаганда у ҳақидаги маълумотлар мажбурий тартибда “Мажбуриятлар реестри”га киритилиб, унга нисбатан ижро иши доирасида қўлланилган барча чекловлар саклаб қолинади ва қарздорнинг мол-мулки ва пул маблағлари аниқланганда мажбурий ижро ҳаракатлари автомат равища давом эттирилади. Реестрда қарздор ҳақидаги маълумотлар 10 йил давомида сакланади.

Реестрдан чиқариш қачонки, қарздор ижро хужжати бўйича мажбуриятини бажарганда, вафот этганда, ижро хужжатини беришга асос бўлган суд хужжати ёки бошқа органнинг хужжати бекор қилинганда, ижро хужжати бўлган хужжат бекор қилинганда ёки ҳақиқий эмас деб топилганда, 10 йил давомида қарздорнинг мол-мулки ёки пул маблағлари ҳақида маълумот аниқланмаганда ёки у банкрот деб топилганда ҳамда ундирувчининг аризасига кўра амалга оширилиши белгиланган.

Жорий этилган юқоридаги янгиликлардан келиб чиқсан ҳолда, эндиликда мулкий ундирувга оид ижро ишлари бўйича давлат ижрочилари томонидан олиб борилган ижро ҳаракатлари натижасиз бўлиб, қарздорликни ундириш имкони бўлмаганда ижро иши дастур томонидан автомат равища тамомланиб, у ҳақидаги барча маълумотлар автомат тарзда “Мажбуриятлар реестри”га ўтиш тартибини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Бунда, давлат ижрочиси томонидан олиб борилган ижро ҳаракатлари давомида қарздорнинг мол-мулки, пул маблағлари, иш ҳаки ва бошқа турдаги даромадлари аниқланмаганда ҳамда давлат ижрочиси томонидан қарздорнинг яшаш манзили жойига чиқсан ҳолда кўздан кечирилиб, планшети орқали белгиланган тартибда “қарздорнинг яшаш манзилида ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулклар мавжуд эмаслиги ҳақида” далолатнома тузилган ҳолларда ижро иши дастур томонидан автомат равища “Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 40-моддаси 1-қисми 3-бандига (қарздорнинг ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки мавжуд эмаслиги) асосан тамомланиб, қарздор ҳақидаги маълумотлар автомат тарзда “Мажбуриятлар реестри”га киритилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, муайян қарздорга тегишли ижро иши бўйича давлат ижрочисининг планшети орқали “қарздорнинг яшаш манзилида ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулклар мавжуд эмаслиги ҳақида” далолатнома тузилганда ўша қарздорга нисбатан юритилган бошқа ижро ишларига ҳам айни шу ижро ишига юклangan далолатнома ва фотосуратлар автомат равища юкланиб, қолган хужжатлар ҳам автомат равища тамомланиши тизими жорий этилади. Бундан, номулкий ундирувлар, алимент ундируви ва жиноий жарима ундируви билан боғлиқ хужжатлар мустасно.

Қайд этилган жараённинг юқорида келтирилган тартибда автоматлаштирилиши давлат ижрочилари томонидан муқаддам ижро ҳаракатлари олиб борилиб, натижа бўлмаган ижро ишлари билан қайта-қайта ишлаш ҳолатларига чек қўйиш, уларнинг фаолиятини соддалаштириш, ресурсларни тежаш ва ижро билан боғлик жараёнларни тезлаштириш билан бирга, уларда реал ундирув амалга ошириш мумкин бўлган ижро ҳужжатлари ижросини таъминлашга етарли вақт бўлишига замин яратилади.

Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Конунининг 32<sup>1</sup>-моддасига асосан “агар ҳукм қилинган шахс жазо тариқасида тайинланган жаримани мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддатларда тўлашдан бўйин товласа ёхуд қарздорда ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулк мавжуд эмаслиги туфайли мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддат мобайнида жаримани ундиришнинг имкони бўлмаса, худди шунингдек кечикириш муддати тугаганидан кейин жарима тўланмаган ёки жаримани бўлиб-бўлиб тўлаш шартлари бузилган тақдирда, давлат ижрочиси жарима тариқасидаги жазони жазонинг бошқа тури билан алмаштириш тўғрисидаги тақдимнома билан судга ўн кунлик муддат ичида мурожаат қиласи.”

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 44-моддасига асосан “агар ҳукм қилинган шахс жазо тариқасида тайинланган жаримани мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддатларда тўлашдан бўйин товласа ёхуд қарздорда ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулк мавжуд эмаслиги туфайли мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддатлар мобайнида жаримани ундиришнинг имкони бўлмаса, худди шунингдек кечикириш муддати тугаганидан кейин жарима тўланмаган ёки жаримани бўлиб-бўлиб тўлаш шартлари бузилган тақдирда, суд жариманинг тўланмаган миқдорини мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради.”[8]

Амалдаги тартибга кўра, қарздор томонидан тайинланган жарима тариқасидаги жиноий жазо белгиланган муддатда ижро этилмаса, давлат ижрочиси “Жарима тариқасидаги жазони жазонинг бошқа тури билан алмаштириш тўғрисида” судга қоғоз шаклидаги тақдимнома билан мурожаат қиласи.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Мажбурий ижро бюроси ўртасида жорий этилган амалдаги интеграцияга қўшимча равишда тайинланган жарима тариқасидаги жиноий жазо қарздор томонидан белгиланган муддатда ижро этилмаса, “МИБ-Портал” дастури томонидан автомат равишда тақдимнома шакллантирилиб, кўриб чиқиш учун тегишли жиноят ишлари бўйича судга дастур орқали автомат тарзда юбориш тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Қайд этилган жараённинг юқорида келтирилган тартибда автоматлаштирилиши натижасида давлат ижрочилари томонидан иш ҳажми юқорилиги сабабли жарима тариқасидаги жазони ўз вақтида жазонинг бошқа тури билан алмаштириб борилишига, суд ҳужжатлари ижросининг самарадорлиги ошишига ҳамда ресурсларнинг тежалишига замин яратилади.

### **CONCLUSION/ ЗАКЛЮЧЕНИЕ/ ХУЛОСА**

Суд қарорларини тўлиқ ва ўз вақтида ижро этиш хукуқий давлат ва адолатли жамиятнинг асосий шартларидан биридир. Ушбу йўналишдаги ислоҳотлар самарадорликни ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқларини кафолатли ҳимоя қилиш ҳамда қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган бўлиши лозим. Соҳага замонавий ахборот технологияларини жорий этиш эса бу борада муҳим аҳамият касб этади.

### **REFERENCES/ СПИСОК ИСТОЧНИКОВ/ ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Harmonization of Enforcement Procedures in an Area of Justice with No Boundaries [Гармонизация исполнительного производства в сфере правосудия без границ]. Paris, ЕЈТ, coll. Passerelle, 2007.)
2. Суд ижрочиларининг халқаро ташкилоти (UIHJ) расмий сайти [www.uihj.com](http://www.uihj.com)
3. [worldjusticeproject.org/rule-of-law-index/factors/2024/Uzbekistan](http://worldjusticeproject.org/rule-of-law-index/factors/2024/Uzbekistan)
4. Ҳамидов А. Суд қарорлари ижросини тамиллашнинг ташкилий-ҳукуқий асосларини янада такомиллаштириш масалалари. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси. Тошкент, 2024. – 15-6.
5. Ҳамидов А. Суд қарорлари ижросини тамиллашнинг ташкилий-ҳукуқий асосларини янада такомиллаштириш масалалари. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси. Тошкент, 2024. – 27-6.
6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 20.03.2011 йилдаги “Суд ижрочиларининг иш ҳажми меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 10 марта 2207-сон билан рўйхатдан ўtkazilgan қўшма қарори [www.lex.uz/uz/docs/1758677](http://www.lex.uz/uz/docs/1758677)
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.01.2024 йилдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини ислоҳ этиш ва соҳани рақамлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-1-сонли фармони. [www.lex.uz/docs/6723273](http://www.lex.uz/docs/6723273)
8. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. <https://lex.uz/docs/111453>